

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

КАДИРОВА НАРГИЗА ЭРКИНОВНА

**БЕМОРЛАРДА БАЪЗИ ГЕНОТИПИК ВА ФЕНОТИПИК
ХУСУСИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА БРУЦЕЛЛЁЗНИНГ
КЛИНИК КЕЧИШИ**

14.00.10 - Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кадилова Наргиза Эркиновна

Беморларда баъзи генотипик ва фенотипик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бруцеллёзнинг клиник кечиши..... 3

Кадилова Наргиза Эркиновна

Клиническое течение бруцеллёза с учётом некоторых генотипических и фенотипических особенностей у больных..... 25

Kadirova Nargiza Erkinovna

The clinical course of brucellosis, taking into account some genotypic and phenotypic features in patients..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

КАДИРОВА НАРГИЗА ЭРКИНОВНА

**БЕМОРЛАРДА БАЪЗИ ГЕНОТИПИК ВА ФЕНОТИПИК
ХУСУСИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА БРУЦЕЛЛЁЗНИНГ
КЛИНИК КЕЧИШИ**

14.00.10 - Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib903 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибадова Гулнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худайкулова Гулнара Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Камилов Фарҳод Хайдарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100133, Тошкент ш., Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 243-36-05.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бруцеллёз касаллиги соғлиқни сақлаш ва ветеринария соҳасининг долзарб муаммоси ҳисобланади. ЖССТ нинг охирги маълумотларига кўра, «...дунёда ҳар йили ярим миллион янги бруцеллёз ҳолатлари қайд этилади»¹. Марказий Осиё давлатлари, Яқин Шарқ, Жанубий Америка, Шарқий Осиё, Африка мамлакатлари бруцеллёз касаллиги бўйича нотинч ҳудудлар ҳисобланади. Шу жумладан, Қозоғистонда 100 минг аҳолига нисбатан касалланиш кўрсаткичи 10.0, Қирғизистонда 20,5-25,0 кўрсаткичларни ташкил қилди. Тожикистоннинг баъзи ҳудудларда 2000-2014 йилларда мингдан ортиқ бруцеллёз касаллиги билан касалланганлар сони кузатилган. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикасида 2001-2017 йилларда касалланиш кўрсаткичи «...100 минг аҳолига нисбатан 1,8-2,8 ни ташкил қилган»². Ушбу муаммонинг долзарблиги бруцеллёзнинг ўткир шакллари эрта ташхислашни такомиллаштириш зарурати билан белгиланади.

Жаҳонда бруцеллёз билан касалланганларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, одамни касалликларга мойиллигини баҳолаш, эрта ташхисотни омилларини аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш, асоратларини олдини олиш, дори воситаларни ноҳўя таъсирларини башоратлашда фенотип ацетилланиш жараёни фенотипик маркер вазифасини аниқлаш, дизэмбриогенез стигмаларини учраш даражасини фенотип ацетилланиш тури билан боғлиқлигини аниқлаш орқали беморларда бруцеллёзнинг клиник кечишини, оқибатларини, асоратлар ривожланишини башоратловчи мезонларни амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, эрта ташхисот усулларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда ҳамда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши профилактика чораларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хозирги кунда «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар, бруцеллёзни эрта ташхислашда ва касалликни даволашни оптималлаштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича

¹Субрегиональный семинар МЭБ/ВОЗ по зоонозным заболеваниям для стран Центральной Азии и Закавказья Астана, Казахстан, 15-16 ноября 2018 г.

² Шарапов Б и др. Клиническое практическое руководство по бруцеллёзу. Ташкент- Vaktriapress - 2018. - 214с.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора -тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамани аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда бруцеллэзнинг ўткир шаклини кўп ҳолатларда енгил, яққол бўлмаган клиник белгилар билан кечиши ҳисобига кеч ташхис қўйилиши, ўтказилган этиологик даво самарадорлигининг пастлиги касалликнинг сурункали шакллари учраш даражасини ошишига сабаб бўлмоқда (Yang H., Zhang S., Wang T., Zhao Ch. et al., 2020; Jindan R.A., 2021). Тиббиётда касалликларнинг тугалланиш оқибатлари, ўткир шаклини сурункалига ўтишини олдиндан башоратлаш имконини берувчи жараёнлардан бири организмнинг фенотип ацетилланиш жараёнидир. Ацетилланиш жараёни асосан, мононуклеар фагоцитлар тизимида, жигарнинг Купфер хужайраларида, талоқ макрофагларида, ичак лимфа тугунларида, энг юқори интенсивликда лимфа тугунларида кечади ҳамда ацетилланиш жараёни ёш ва жинсга боғлиқ бўлмайди (Кравченко И.Э. ва ҳаммуаллифлар, 2013; Нугбиенё Л.К., 2017). Секин фенотип ацетилланишли организмда бўладиган жараёнларнинг барчаси секин кечишга мойил бўлади, шунга кўра, секин ацетиляторларда дори воситалари етарлича детоксикацияланмаганлиги туфайли организмда оралик маҳсулотлар тўпланиб токсик таъсир этиши (Орлова С.Н., Рыбкин Н.С., 2018; Журавский С. Г. ва ҳаммуаллифлар, 2004), яллиғланиш жараёни секин ривожланиб, касалликнинг оғир, асоратли шаклларда кечиши, сурункали шаклга ўтишининг юқорилиги, кўпол чандиқлар ҳосил бўлиши (Li H., Wang C., 2021) билан тавсифланади.

Дизэмбриогенез стигмаларининг касалликларнинг оғирлик даражаси, тугалланиш оқибатлари ва асоратлар ривожланишини олдиндан баҳолашдаги аҳамияти катта (Козловский А.А., 2016; Волынкина А.И. ва ҳаммуаллифлар, 2016; Kosuke Izumi, 2016). Одамда белгиланган стигмалардан 5 тадан ортигини бўлиши – рухий-жисмоний ривожланиш бузилишидан далолат беради. Аммо, ташхисни тасдиқлаш мақсадида қўшимча равишда ЭХО-кардиография, ўт йўллари, буйрак УТТ ва бошқа текширув усуллари ўтказиш талаб этилади (Румянцева Г. Н., 2005). Фенотип ацетилланиш турини инсоннинг фенотипик белгиларига асосланиб тахмин қилиш мумкин. СФА лар астеник тана тузилишига, баланд бўйга, катта шалпанг қулоққа, ясси товонликка эга бўлади

(Ибадова Г.А. ва ҳаммуаллифлар, 2011).

Ўзбекистонда бруцеллёзнинг сурункалига ўтишини олдиндан башоратлашда фенотип ацетилланиш ва дизэбриогенез стигмаларидан фойдаланиш илгари ўрганилмаган. Ўзбекистон Республикасида ўткир ва сурункали бруцеллёз билан касалланган беморларда касалликнинг субкомпенсация босқичида мононуклеар фагоцитларнинг функционал ҳолатини бузилиши натижасида касалликни ёмон оқибат билан тугалланишини тасдиқлашган (Ахмедов Д. Р. ва ҳаммуаллифлар, 2013; Миррахимова Н.М., 2019). Аммо, ушбу тадқиқотларда бруцеллёзнинг тугалланиш оқибатларини башоратлашда фенотип ацетилланиш ва дизэбриогенез стигмаларининг аҳамияти ўрганилмаган. Шу туфайли, бруцеллёз билан касалланган беморларнинг баъзи генотипик ва фенотипик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бруцеллёзнинг клиник кечишини, асоратларини ва оқибатларини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш жуда долзарбдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 001619-шифрли «Бруцеллёз касаллигининг эрта ташхисоти» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2015-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: беморларда баъзи генотипик ва фенотипик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бруцеллёзнинг клиник кечишини ва оқибатларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фенотип ацетилланишни даражасини ҳисобга олган ҳолда катта ёшдаги беморларда ва болаларда бруцеллёзнинг клиник кечиши, асоратлари ва оқибатларини аниқлаш;

бруцеллёз билан касалланган беморларда жигар, юрак, бўғим ва мия тўқималари антигенларига (ТА) нисбатан антигенни боғловчи лимфоцитлар (АБЛ) даражасини фенотип ацетилланиш тури билан боғлиқлигини аниқлаш;

беморларда дисэмбриогенез стигмаларни учраш даражасини ва турларини аниқлаш ва уларни фенотип ацетилланиш билан боғлиқлигини баҳолаш;

бруцеллёзни даволашда фенотип ацетилланишни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир беморга алоҳида даволаш ёндашув натижаларини стандарт даволаш натижалари билан таҳлил қилиш ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

беморларда генотипик ва фенотипик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бруцеллёзнинг клиник кечиши, оқибати ва асоратларини башоратловчи мезонларни ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида бруцеллёзни ўткир, ярим ўткир, иккиламчи ва бирламчи сурункали шакллари ташхиси тасдиқланган 5 ёшдан 79 ёшгача бўлган 240 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон, қон зардоби, пешоб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш учун умумий клиник (умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили), биокимёвий (билирубин, АЛТ, АСТ, фенотип ацетилланиш), иммунологик (ТАга АБЛ), серологик (Хедельсон реакция, Райт реакция) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор беморларни фенотип ацетилланиш тезлигини ва дизэмбриогенез стигмаларини ҳисобга олган ҳолда бруцеллёзнинг клиник кечиш хусусиятлари аниқланган;

илк маротаба тез фенотипик ацетилланишнинг тез турига касалликнинг ўткир шаклда, секин турига эса иккиламчи сурункали шаклда кечиш хослиги аниқланган;

бруцеллёзда секин фенотипик ацетиллаш (СФА)да асаб тизимини зарарланиши ва спленомегалия белгилари устунлиги билан оғирроқ ва давомий кечиши хослиги исботланган;

илк бор фенотип ацетилланишни тезлигига қараб бруцеллёзни ўткир клиник шаклини даволаш самараси асосланган;

илк бор беморларни генотипик ва фенотипик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бруцеллёзнинг клиник кечиши, оқибати ва асоратларини эрта башоратловчи мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бруцеллёз касаллиги аксарият тез фенотип ацетилланишли одамларларда кўп кузатилиши кўрсатилган;

бруцеллёзни даволашда беморларни фенотип ацетилланиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда шахсий ёндашувлар такомиллаштирилган, оқибатларини эрта башоратлаш усуллари асосланган ва иқтисодий сарф харажатларни 3,991 млн.сўм миқдорда тежамлаш исботланган;

бруцеллёз билан касалланган беморларни самарали даволашда шахсий ёндашув сифатида ноинвазив, арзон, осон бажариладиган фенотип ацетилланиш, яъни норсульфазолни пешобда ажралиш тезлигини аниқлаш усули тавсия этилган;

бруцеллёз касаллагини кечиш хусусиятлари, асоратларни ривожланиши, оқибатини эрта башоратловчи текшириш сифатида тўқима ва аъзоларда деструктив жараённи ривожланишини кўрсатиб берадиган жигар, юрак, бўғим ва мия тўқималари антигенларига нисбатан антиген боғловчи лимфоцитларни аниқлаш усули исботланган;

беморларни бирламчи кўрикда бруцеллёз касаллигини оқибатларини эрта баҳолаш мақсадида дизэмбриогенез стигмаларга эътибор бериш тавсия қилинган;

касалликни даволашни оптималлаштириш ва касалликнинг мумкин бўлган ҳавф ҳолатларини (асоратлар, сурункали кечиши, жараённи чўзилиши ва бошқалар) камайтириш мақсадида бруцеллёзнинг ўткир клиник шаклини оғирлик даража (енгил, ўрта оғир, оғир) мезонлари, беморларни олиб бориш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг иқтисодий жиҳатидан арзон ва ҳаммабоплиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумий клиник, биокимёвий, иммунологик, серологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги билан белгиланади. Бруцеллёзнинг клиник кечиш характери, оқибатлари, асоратлар ривожланишини беморларнинг генотипик ва фенотипик хусусиятларига боғлиқлигини аниқлашда олинган маълумотларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, бруцеллёзнинг турли хил клиник шаклларида клиник кечишини эрта ташхислаш учун фенотип ацетиллашни аниқлаш, шунингдек, аъзоларни яллиғланиш ҳолатини ва шикастланиш даражасини олдиндан баҳолаш мақсадида жигар, юрак, бўғим ва мия тўқималарига нисбатан антигенни боғловчи лимфоцитларни аниқлаш касалликни юқумли жараёни динамикада кечиши ва оқибатини белгилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, бруцеллёзнинг турли клиник шаклларида беморларнинг фенотип ацетиллаш тезлигини ва тўқималарга нисбатан антигенни боғловчи лимфоцитларни аниқлаш, ўткир жараёни сурункали жараёнга ўтишини минималлаштириш ва иш қобилиятини тезроқ тиклаш, беморларни самарали даволашга алоҳида шахсий ёндашув йўли орқали давлатимиз учун индивидуал даражадаги харажатларни 3 991 296 млн.сўмга камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Беморларни баъзи генотипик ва фенотипик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бруцеллёзнинг клиник кечиши бўйича олинган натижалар асосида:

бруцеллёз билан касалланган беморларни эрта ташхисоти ва даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Бруцеллёз билан касалланган беморларни олиб бориш ва даволашни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 8н-р/650-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бруцеллёз билан оғриган беморларда фенотип ацетилланиш турини аниқлаш орқали касалликни асоратли кечишини ҳамда ўткир жараёни сурункалига ўтишини эрта башоратлаш ва ташхислаш имконини берган;

олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро ва Қашқадарё вилоят юқумли касалликлар шифохоналари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 8н-р/201-сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқот бруцеллёзнинг турли клиник шаклларида беморларнинг фенотип ацетиллаш тезлигини ва тўқималарга нисбатан антигенни боғловчи лимфоцитларни аниқлаш, ўткир

жараённи сурункали жараёнга ўтишини камайтиришга, иш қобилиятини тезроқ тиклаш, беморларни самарали даволашга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2та республика ва 3та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, изланишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишонарлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Беморларнинг баъзи генотипик ва фенотипик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бруцеллёзнинг клиник кечиши»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги мавзуга доир илмий манбаларнинг таҳлили ёритилган. Бруцеллёз касаллигининг замонавий босқичда кечиш хусусиятлари, одамларда фенотип ацетилланишнинг тезлигини ва дисэмбриогенез стигмаларни касалликларни кечиш хусусиятлари ва оқибатларини башоратлашдаги ўрни, ҳамда бруцеллёзда полиорган зарарланиш даражасини эрта аниқлашда, ўткир жараённи сурункали ҳолатга ўтишини башоратлашда, даволаш тадбирларини тўғри танлашда ТА га нисбатан АБЛ кўрсаткичининг ўрнини аниқлаш инфектологияда катта аҳамиятга эгаллиги ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва кўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни ва тадқиқот материаллари ҳамда усулларининг тавсифи келтирилган. Фойдаланилган тадқиқот усулларининг тўғрилиги ва ҳажмининг етарлиги, тадқиқот гуруҳларини ва уларга мос бўлган қиёсий гуруҳларни шакллантириш тўғрисида маълумотлар берилган. Тадқиқотда фойдаланилган умумклиник, лаборатор, инструментал, серологик, ва статистик усуллар баён этилган. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликларнинг илмий-амалий маркази

клиникасида 2015 йилнинг январ ойидан 2018 йил октябригача оралиғида бажарилган. Тадқиқотга бруцеллёз ташҳиси тасдиқланган 240 нафар беморлар қамраб олинган. Кузатувдаги беморларнинг 62 (26%) нафарини 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар, 178 (74%) нафарини эса 19-79 ёшгача бўлган катталар ташкил этди. Барча беморлар умумий клиник текширувдан ўтказилган, фенотип ацетилланиш турини аниқлаш мақсадида «Норсульфазол» синамасини ўтказилган, жигар, юрак, бўғим, мия ТА ларга нисбатан АБЛ миқдорини аниқланган, дизэмбриогенез стигмаларини Л.Т.Журба таснифи бўйича ўрганилган.

Фенотип ацетилланиш (ФА) Bratton A.C. (1949) усулини С. Пребстинг, И.П. Гаврилов (1977) модификацияси бўйича ўтказилди. Синама-препарати сифатида Сульфатиазолдан (Norsulfazolum 0,25 г таблетка) фойдаланилди. Тадқиқотнинг предмети сифатида пешоб олиниб, ацетилланган ва ацетилланмаган норсульфазол умумий препарат миқдорига нисбатан аниқланди ва ацетилланиш фаоллиги фоизда баҳоланилди. 50% дан паст кўрсаткич секин фенотип ацетилланиш (СФА), 50% ва ундан юқориси тез фенотип ацетилланиш (ТФА) деб баҳоланди (Усманова Л.П. ва бошқалар., 1996). Турли хил тўқима аъзоларда деструктив шикастланиш шикастланиш борлигини эрта аниқлаш мақсадида ТА ларига нисбатан махсус сенсбилланган АБЛ миқдорини Гариб Ф.Ю. усули бўйича бевосита розетка ҳосил қилиш реакциясидан фойдаланилди. Тадқиқот натижаларини статистик таҳлил учун «Windows XP», «Excell», «Statistica» дастур таъминотларидан фойдаланилди. Олинган маълумотлар мутлоқ катталиклар ва фоиз кўрсаткичларни баён этиш билан тақдим этилди.

Диссертациянинг «**Бруцеллёз билан оғриган беморларда касалликни кечиши, оқибатлари ва асоратларини эрта ташхислашда фенотип ацетилланиш тезлигини аниқлашни аҳамияти**» номланган учинчи бобида бруцеллёзнинг клиник кечиш хусусиятлари, оқибатлари беморларни фенотип ацетилланиш тезлигига боғлиқлигини ўрганиш натижалари баён этилган. Кузатувдаги беморларда бруцеллёзнинг клиник шакллари К.Ж.Жалилов (1986 й) таснифи бўйича белгиланди (1-расм).



1-расм. Беморларни бруцеллёзни клиник шакллари бўйича тақсимланиши (%) (n=240)

Болалар ўртасида бруцеллёзнинг ўткир клиник шаклини учраш даражаси катта ёшдаги беморларга нисбатан 9 баробарга юқори бўлди (OR – 8,624; 95%) ишонч интервали (CI): 4,502-16,522) ҳамда Йейтс томонидан тўлдирилган χ^2

мезони бўйича фарқ статистик жиҳатдан ишонарли даражада бўлди ($p < 0,001$). Болалар ва катта ёшдаги беморлар ўртасида бруцеллезнинг ярим ўткир шаклини учраш даражаси ($OR-1,707$; $95\% CI - 0,775-3,759$) ўртасидаги фарқ Фишернинг аниқ мезони бўйича статистик жиҳатдан ишонарли бўлмади ($p > 0,05$). Бруцеллезнинг бирламчи сурункали шаклини ($OR-4,013$; $95\% CI: 0,913-17,639$) учраш даражаси ҳам катта ёшдаги беморлар ва болалар ўртасида статистик жиҳатдан ишонарли бўлмади (Йейтс томонидан тўлдирилган $\chi^2 > 0,05$). Бруцеллезнинг иккиламчи сурункали шаклини учраш ҳолати катта ёшдаги беморларда болаларга нисбатан 6 баробарга юқори бўлди ($OR - 5,510$; $95\% CI: 2,478-12,252$) (Йейтс томонидан тўлдирилган $\chi^2 < 0,001$).

Беморлар касалхонага асосан иситма, терлаш, ваража қилиш, ҳолсизлик, иштаҳа пасайиши, йирик бўғимларда оғриқ шикоятлари билан келишган. Анамнездан беморларнинг $57,1\%$ (137 нафар) да касаллик ўткир бошланган, қолган $42,9\%$ (103 нафар) эса касаллик аста-секин бошланган. Тиббий кўрик вақтида беморларнинг эс-хуши сақланган. Саволларга аниқ жавоб беришган. Беморлар объектив кўригида $96,7\%$ (232 нафар) да тери рангпарлиги, $92,5\%$ (222 нафар) да юқори ҳарорат, $97,5\%$ (234 нафар) да терлаш, $32,1\%$ (77 нафар) да полилимфоаденопатия, $78,7\%$ (189 нафар) да йирик бўғимларнинг яллиғланиши, $27,1\%$ (65 нафар) да спленомегалия, $81,3\%$ (195 нафар) да гепатомегалия, $42,8\%$ (103 нафар) беморларда перефирик асаб толаларнинг яллиғланиши радикулоневрит, ишеорадикулит, полинейропатия, плексит кўринишда, 18% (43 нафар) да депрессия, эйфория кўринишида асаб тизимининг зарарланиши, $23,8\%$ (57 нафар) да дисменорея, аминорея, мастит, бола ташлаш, муддатидан илгари туғиш, сальпингит, орхит, орхоэпидидимит, жинсий ожизлик, бепуштлик кўринишидаги жинсий аъзолар яллиғланиши аниқланган.

Бруцеллезнинг ўткир ва ярим ўткир клиник шакллари билан касалланган катта ёшдаги беморларда касалликнинг оғирлик даражасини белгиловчи мезонларни аниқлаш мақсадида 77 нафар беморларнинг клиник, лаборатория ва ускунали текширув усуллари натижалари таҳлил этилди. Ушбу беморларнинг барчаси иситма, кўп терлаш, ҳолсизлик, бош оғриши, уйку бузилиши каби шикоятлар билан касалхонага келган.

Илмий манбалар таҳлил қилинганда касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун бир қатор клиник белгилар ҳисобга олинган бўлиб, улар орасида муҳими тана ҳароратининг кўрсаткичидир. Иситма юқорилигига асосланиб беморларни учта гуруҳга ажратиб ўргандик. Биринчи гуруҳни иситма юқорилиги субфебрил даражада бўлган – 21 нафар беморлар ташкил қилди. Иккинчи гуруҳни фебрил даражадаги – 43 нафар беморлар ҳамда учинчи гуруҳни гектик даражадаги 13 нафар беморлар ташкил қилди.

Иккинчи гуруҳдаги беморларда дақиқага юрак уриш сони ($97,0 \pm 0,46$) биринчи гуруҳга ($89,8 \pm 0,73$) нисбатан Стъюдентнинг t-мезони бўйича статистик ишонарли даражада 1,1 баробарга ($p < 0,0001$), учинчи гуруҳда ($103,5 \pm 0,59$) эса биринчи гуруҳга нисбатан статистик ишонарли равишда ($p < 0,0001$) 1,2 баробарга тезлашди.

Худди шундай ўзгариш қон босими кўрсаткичида ҳам кузатилди, биринчи

гуруҳ беморларида қон босими (артериал қон босими ўртача – $111,7 \pm 1,04$ / веноз қон босими $73,3 \pm 0,9$ мм.симоб уст) иккинчи гуруҳга ($94,5 \pm 0,56$ / $66,7 \pm 0,32$ мм.симоб уст) нисбатан 1,2 баробарга, учинчи гуруҳда эса ($88,3 \pm 0,84$ / $59,8 \pm 0,8$ мм.симоб уст) 1,3 баробарга пасайди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишонарли даражада бўлди ($p < 0,0001$).

Гемоглобин кўрсаткичининг қиймати гуруҳлар ўртасида статистик ишонарли равишда фарқ қилмади (гемоглобин мувофиқ равишда ўртача $111,7 \pm 0,73$; $113,3 \pm 0,63$; $110,7 \pm 0,7$ г/л бўлди) ($p > 0,05$). Лейкоцитлар миқдори эса иккинчи гуруҳда ($2,7 \pm 0,1 \times 10^9$ /л) биринчи гуруҳга ($3,55 \pm 0,16 \times 10^9$ /л) меъёрга нисбатан 1,3 баробарга ($p < 0,0001$), учинчи гуруҳда ($2,18 \pm 0,5 \times 10^9$ /л) 1,6 баробарга статистик ишонарли равишда пасайди ($p < 0,05$). Лимфоцитлар миқдори ҳам иккинчи гуруҳда ($57,7 \pm 0,4\%$) биринчи гуруҳга ($41,3 \pm 0,29\%$) нисбатан 1,4 баробарга ($p < 0,0001$), учинчи гуруҳда ($63,3 \pm 0,54\%$) 1,5 баробарга ($63,3 \pm 0,54$) ошди. Тромбоцит (мувофиқ равишда $268,3 \pm 2,9 \times 10^9$ /л; $283,5 \pm 2,4 \times 10^9$ /л; $288,5 \pm 3,2 \times 10^9$ /л) ва эозинофил (мувофиқ равишда $2,5 \pm 0,47\%$; $2,25 \pm 0,5\%$; $3,5 \pm 0,5\%$) қийматларини гуруҳлар ўртасидаги фарқи статистик ишонарли даражада бўлмади. ЭЧТ кўрсаткичининг қиймати ҳам иккинчи гуруҳда ($22,3 \pm 0,76$ мм/с) биринчи гуруҳга нисбатан ($17,6 \pm 0,8$ мм/с) 1,3 баробарга ($p < 0,0001$), учинчи гуруҳда ($29,9 \pm 0,76$ мм/с) 1,7 баробарга ($p < 0,0001$) ортди.

Гуруҳлар ўртасида қоннинг биокимёвий таҳлили кўрсаткичлари ўрганилганида, умумий билирубин миқдорида статистик ишонарли фарқ аниқланмади ($p > 0,05$) (мувофиқ равишда $7,2 \pm 0,72$ мкмоль/л; $6,7 \pm 0,5$ мкмоль/л; $8,1 \pm 0,43$ мкмоль/л). АЛТ миқдори биринчи гуруҳда меъёр даражасида ($39,0 \pm 0,6$ ХБ/л) иккинчи гуруҳда ($47,3 \pm 0,36$ ХБ/л) 1,2 баробарга, учинчи гуруҳда ($64,3 \pm 0,36$ ХБ/л) 1,6 баробарга ошиши хос бўлди. Худди шундай ўзгариш АСТ (мувофиқ равишда $27,3 \pm 1,04$ ХБ/л; $39,6 \pm 1,1$ ХБ/л; $51,6 \pm 1,1$ ХБ/л) ҳамда умумий оксил қийматида ҳам кузатилди (мувофиқ равишда $73,8 \pm 0,9$ г/л; $58,8 \pm 0,69$ г/л ва $50,3 \pm 0,69$ г/л бўлди).

Беморларда ўтказилган ЭКГ натижалари таҳлиliga кўра, биринчи гуруҳдаги 29,2% (7 нафар) беморларда юракдаги метаболитик ўзгариш белгилари, иккинчи гуруҳдаги 79,2% (38 нафар) беморларда манфий Т тишча ҳамда 87,5% (42 нафар) I даражали атриовентрикуляр тугун ўтказувчанликни сусайиши белгилари, учинчи гуруҳнинг 100,0% беморларида юракдаги метаболитик ўзгариш ва 46,7% (7 нафар) беморларда II даражали, 26,7% (4 нафар) III даражали атриовентрикуляр тугун ўтказувчанликни сусайиши белгилари аниқланди.

Иситма баландлигига, юрак уриши, артериал қон босими, умумий қон анализа, биокимёвий анализ ва ЭКГ асосланиб беморларни учта гуруҳга ажратиб ўргандик ва оғирлик даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқдик (1-жадвал).

Бруцеллёзнинг ўткир ва ярим ўткир шаклларида оғирлик даражасини баҳолаш мезонлари

Оғирлик даражаси Кўрсаткич	Енгил	Ўртача оғир	Оғир
Тана ҳарорати	37-38°C	38,1-39°C	39,1-41°C
Пульс (дақиқага зарба)	>90	90 -100	< 100
Артериал қон босими мм.с.у.	< 110	100-90	> 90
Веноз қон босими мм.с.у.	< 70	69-60	> 60
Умумий қон таҳлили Лейкоцитлар $\times 10^9/\text{л}$	N 1 баробарга пасайиши	N 1,5 баробарга пасайиши	N 2 баробарга пасайиши
Лимфоцитлар %	N қиймати	N 1,5 баробарга ортиши	N 2 баробарга ортиши
ЭЧТ мм/с	N қиймати	N 1,3 баробарга ортиши	N 1,7 баробарга ортиши
Қоннинг биокимёвий таҳлили АЛТ ХБ/л	N қиймати	N 1,5 баробарга ортиши	N 2 баробарга ортиши
АСТ ХБ/л	N қиймати	N 1,5 баробарга ортиши	N 2 баробарга ортиши
Умумий оқсил г/л	N қиймати	N 1,5 баробарга ортиши	N 2 баробарга ортиши
ЭКГ	метаболитик ўзгариш	манфий Т тишча ҳамда I даражали атриовентрикуляр тугун ўтказувчанликни сусайиши	II ва III даражали атриовентрикуляр тугун ўтказувчанликни сусайиши

Аниқланган мезонларга асосланиб, бруцеллёзни ўткир ва ярим ўткир шакллари ташхиси тасдиқланган 129 нафар беморларда касалликнинг оғирлик даражаси баҳоланди. Унга кўра, 27,9% (36) - енгил даража, 55,8% (72) - ўрта оғир ҳамда 16,3% (21) - оғир даража баҳоланди.

Тадқиқотнинг асосий вазифаси бруцеллёзнинг клиник кечиш характери, оғирлик даражаси ва оқибатларини фенотип ацетилланишга (ФА) боғлиқлигини ўрганиш бўлган. Шунга кўра, кузатувдаги беморларда ФА турини аниқлаш мақсадида пешобда «Норсульфазол» синамаси касалхонага келган куни ҳамда чиқарилишидан аввал ўтказилди ҳамда натижага асосланиб иккита катта гуруҳга ажратилди.

1-гуруҳни 59,2% (142) нафар тез ацетилланишли беморлар 2-гуруҳни 40,8% (98) нафар секин ацетилланишли беморлар ташкил қилди.

Тез ацетилланишли беморларнинг 64,5%(40) нафарини ҳамда секин ацетилланишнинг 35,5% (22) нафарини болалар ташкил қилди (OR - 1,355: CI; 0,744 - 2,466). Катталар орасида ТФА 57,3% (102), СФА 42,7% (76). Катталар ва болалар ўртасидаги фарқ Фишернинг аниқ мезони бўйича қиёсланганида статистик ишонарли бўлмади ($P>0,05$) (2- жадвал).

2-жадвал

Асосий гуруҳдаги беморларни фенотип ацетилланиш тури бўйича тақсимланиши (n=240) (M±m)

Фенотип ацетилланиш	Жами беморлар n=240		Катта ёшдаги беморлар гуруҳи n=178		Кичик ёшдаги беморлар гуруҳи n=62		p
	мутлоқ рақам	%	мутлоқ рақам	%	мутлоқ рақам	%	
ТФА	142	59,2	102	57,3	40	64,5	>0,05
СФА	98	40,8	76	42,7	22	35,5	

Назорат гуруҳи сифатида биз, 80 нафар ўзбек миллатига оид соғлом кўнгилиларни олдик. 37 нафарини 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар, 43 нафари 19 ёшдан 70 ёшгача бўлган катта ёшдаги беморлар ташкил қилди. Ушбу гуруҳ кишиларида мурожат куни ҳамда 14 кундан сўнг ФА турини аниқлаш мақсадида пешобда «Норсульфазол» синамаси ўтказилди. 37 нафар болаларнинг 21 (56,8%) нафарида ФА нинг СФА тури, қолган 16 (43,2%) нафарида ТФА тури аниқланди. Назорат гуруҳидаги катта ёшдаги беморларда эса СФА – 23 (53,8%) ва ТФА – 20 (46,5%) ташкил қилди. Бруцеллез билан оғриган болалар ва соғлом болалар ўртасида фенотип ацетилланиш турини учраш даражаси (OR – 2,386; CI: 1,036 - 5,488) Фишернинг аниқ мезони бўйича қийосланганда статистик ишонарли фарқ аниқланмади (p>0,05). Бруцеллез билан оғриган катта ёшдаги беморлар ва соғлом кишилар ўртасида ТФА ва СФА учраш даражаси Фишернинг аниқ мезони бўйича қийосланганда (OR – 1,543; CI: 0,791 – 3,013) статистик ишонарли фарқ аниқланмади (p>0,05), ўзбек миллатига оид кишиларда ФА нинг ТФА ва СФА турини учраш даражаси 45,0:55,0%, бруцеллез билан оғриган беморларда эса ФА турини учраш даражаси мувофиқ равишда 59,2:40,8% ташкил қилди, аммо Фишернинг аниқ мезони бўйича баҳоланилганда, ушбу фарқ статистик ишонарсиз даражада бўлди (p>0,05) (3-жадвал).

3-жадвал

Назорат гуруҳдаги беморларни фенотип ацетилланиш тури бўйича тақсимланиши (n=80) (M±m)

Фенотип ацетилланиш	Жами n=80		Катта ёшдаги беморлар гуруҳи n=43		Кичик ёшдаги беморлар гуруҳи n=37		p
	мутлоқ рақам	%	мутлоқ рақам	%	мутлоқ рақам	%	
ТФА	36	45	20	46,5	16	43,2	>0,05
СФА	44	55	23	53,5	21	56,8	

Тадқиқотимиздаги бруцеллез билан касалланган беморлар ўртасида ФА нинг ТФА турини учраш имконияти соғлом кишиларга нисбатан 2 баробар юқори (OR: 1,77; 95% CI: 1,063-2,950), аммо Фишернинг аниқ мезони бўйича

баҳоланилганда, ушбу фарқ статистик ишонарсиз даражада бўлди ($p > 0,05$) (4-жадвал).


4-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳдаги беморларни фенотип ацетилланиш тури бўйича тақсимланиши

Фенотип ацетилланиш	Асосий гуруҳ n=240		Назорат гуруҳи n=80		p
	мутлоқ рақам	%	мутлоқ рақам	%	
ТФА	142	59,2	36	45,0	>0,05
СФА	98	40,8	44	55,0	

(OR-1,77; 95% CI: 1,063-2,950).


Олинган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, ацетилланиш тезлиги билан бруцеллэзнинг турли хил клиник шакллари ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, ФА нинг тез турига касалликнинг ўткир кечиши, секин турига эса сурункали, айниқса иккиламчи сурункали шаклда кечиш кўпроқ хос (2-расм).



2-расм. Кузатувдаги беморларни фенотип ацетилланиш турга кўра бруцеллэз клиник шаклига тақсимланишини (%) (n=240)


Тадқиқотнинг кейинги босқичида биз, бруцеллэз ўткир шаклини оғирлик даражасини ФА турига боғлиқлигини ўргандик. Болалар ва катталар ўртасида бруцеллэзнинг энгил шаклини учраш даражаси ўртасидаги фарқ (OR: 1,086; 95% CI: 0,494-2,386) Фишернинг аниқ мезони бўйича статистик жиҳатдан ишонарсиз бўлди ($p > 0,05$). Касалликнинг ўртача оғир шаклини учраш даражаси катталар ва болалар ўртасида (OR- 1,692; 95% CI: 0,831-3,445) ҳам статистик ишонарли

даражада фарқ қилмади ($p>0,05$). Бруцеллэзнинг оғир шакли болаларда катталарга нисбатан 2 баробарга кўп учради (OR: 2,875; 95% CI: 1,096-7,591), аммо гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишонарли бўлмади ($p>0,05$) (3-расм).



3- расм. Кузатувдаги беморларни бруцеллэзни оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда фенотип ацетилланиш тезлигига кўра тақсимланишини (%) (n=129)


Тадқиқотда биз, бруцеллэзнинг асосий клиник белгиларини учраш даражасини ФА турига боғлиқ равишда ўргандик (4-расм).



Изоҳ: *- фарқлар статистик аҳамиятли ($p<0,05$)

4-расм. Болаларда касаллик клиник белгилари учраш даражасини ФА турига боғлиқлиги (%) (n=62)


Болаларда СФА да асаб тизимини зарарланиши ($p < 0,05$) ва спленомегалия ($p < 0,05$) кўпроқ кузатилди. Катталарда бруцеллёзнинг асосий клиник белгиларини учраш даражаси ФА турига боғлиқ бўлмади (5-расм).



5-расм. Катталарда касаллик клиник белгилари учраш даражасини ФА турига боғлиқлиги (%) (n=178)

Бруцеллёз билан касалланган беморларда фенотип ацетилланиш турини дизэмбриогенез стигмалари учраш даражасига боғлиқ равишда ўрганилганда, стигмаларнинг учраш сони бўйича СФА ли беморларда статистик ишонарли даражада ТФА га нисбатан кўп бўлди ($p < 0,0001$). СФА ли кишиларнинг катта қисми астеник тана тузилишига эга, бўйи баланд, бўйни узун, калла суяги долихоцефалик, энса суяги текисланган, шалпанг кулоқ ҳамда 5 дан ортик стигмалар мавжуд. ТФА ли кишилар – нормастеник тана тузилишига эга, калла суяги думалоқ, кулоқлари ўртача катталикда, бўйни калта, кўкрак қафаси симметрик шаклдалиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Бруцеллёзни даволашда шахсий ёндашувнинг самарадорлигини баҳолаш**» номли тўртинчи бобида турли хил ацетиллятор фаоллигига эга бруцеллёз билан оғриган беморларда бўғим, миокард, жигар ва мия ТА нисбатан АБЛ кўрсаткичи динамикаси ўрганилди. Бунинг учун 80 нафар кузатувдаги катта ёшдаги беморларда динамикада (касалхонага келган куни, касалхонадан чиқишдан аввал, касалхонадан чиққанидан кейин 3 ойда, 6 ойдан кейин) бўғим, миокард, жигар ва мия ТА нисбатан АБЛ кўрсаткичи қон зардобиди аниқланди. Қиёсий гуруҳ сифатида 20 нафар соғлом кишиларнинг қийматлари олинди (6-расм).




6-расм. Кузатувдаги беморларда бруцеллёзнинг клиник шаклларига боғлиқ равишда ТА га нисбатан АБЛ қиймати (индукция индекси - ↑ИИ) (n=100)

6-расмда келтирилганидек, бруцеллёзни ўткир шаклида юрак, жигар ва мия томонидан шикоятлар бўлмаслигига қарамасдан ушбу тўқималарда яллиғланиш жараёни кузатилади. Бруцеллёзнинг ярим ўткир шакли билан касалланган беморларда ҳам юрак томонидан шикоятлар бўлмаслигига қарамасдан, миокард ТА га нисбатан АБЛ қиймати ўртача $2,2 \pm 0,69\%$, $\uparrow\text{ИИ} = \uparrow 1,5$ ташкил қилди. Бруцеллёзни ўткир ва ярим ўткир шаклининг қийматлари ўзаро солиштирилганида маълум бўлдики, гуруҳлар ўртасида жигар ($>0,05$), мия ($>0,05$) ва миокард ($>0,05$) ТА га нисбатан АБЛ қийматлари ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишонарли бўлмади, аммо бўғимдаги яллиғланиш бруцеллёзни ўткир шаклида статистик ишонарли даражада юқори бўлди ($p < 0,0001$).


Бруцеллёзнинг бирламчи сурункали шакли ташхисланган беморларда ўрганилаётган кўрсаткичнинг энг юқори қиймати жигар тўқимасига нисбатан бўлди. Бирламчи сурункали ва ўткир жараёнда олинган қийматлар ўзаро солиштирилганида маълум бўлдики, гуруҳлар ўртасида жигар ($p > 0,05$), мия ($p > 0,05$) ва миокард ($p > 0,05$) ТА га нисбатан АБЛ қийматлари ўртасида статистик ишонарли фарқ кузатилмади, аммо бўғим ТА га нисбатан АБЛ қиймати бруцеллёзни ўткир шакли билан касалланган беморларда бирламчи сурункали билан оғриган беморларга нисбатан статистик ишонарли равишда юқори бўлди ($p < 0,0001$). Бруцеллёзнинг иккиламчи сурункали шакли билан касалланган беморларда ҳам ТА га нисбатан АБЛ қиймати таҳлил этилганида қуйидагилар аниқланди, энг юқори қиймат бўғим – $8,1 \pm 0,08\%$ ($\uparrow\text{ИИ} = \uparrow 4,5$) бўлди. Ушбу олинган қийматлар бруцеллёзни ўткир шакли билан касалланган беморлар қиймати билан солиштирилганида, гуруҳлар ўртасида мия ($p > 0,05$), жигар ($p > 0,05$) ва миокард ($p > 0,05$) ТА га нисбатан АБЛ қийматларида статистик ишонарли фарқ кузатилмади. Бўғим ТА га нисбатан АБЛ

иккиламчи сурункали шакл билан касалланган беморларда статистик ишонarli равишда юкори бўлди ($p < 0,0001$).



7-расм. Бруцеллёзни ўткир шакли билан оғриган СФА беморларда ТАга нисбатан АБЛ кўрсаткичи қийматининг динамикаси(%) (n=3)


